



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 2 » fevralь

№ ПК–53

## **Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг хорижий тиллар ва касб-ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш, ушбу жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш ҳамда меҳнат бозори талабларига мос малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–79-сон Фармонида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларининг 1–4-синфларида ўқувчиларга бошланғич, 5–9-синфларида таянч ҳамда 10–11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган билимларни беришга йўналтирилган ўқув дастурлари жорий этилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлигининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич тажриба-синов тариқасида қуйидаги тартибни жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синфларида таянч ўқув режаси асосида ўқитиш билан бир қаторда “Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш” ҳамда “Бизнес ва касб-ҳунарга ўқитиш” йўналишлари бўйича ҳам таълим дастурларини жорий қилиш;

“Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш” йўналиши доирасида – ўқув жараёнини ташкил этишда асосий эътиборни аниқ, табиий ёки хорижий тил фанларига қаратиш, “Бизнес ва касб-ҳунарга ўқитиш” йўналиши доирасида эса – ўқувчиларни ишчи ёки рақамли технологияларга оид касбларга ўқитиш.

**3.** Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг қуйидаги тартиби жорий этилади, унга мувофиқ:

5–9-синфларда хорижий тилга ўқитиш интенсивлигини ошириш орқали ўқувчиларда **базавий билим ва нутқий кўникмалар** шакллантирилади;

10–11-синфларда хорижий тилни ўқитишда асосий эътибор ўқувчиларнинг **академик ёзув ва сўзлашиш кўникмаларини** ривожлантиришга қаратилади;

“Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш” йўналиши доирасида хорижий тил фанини танлаган ўқувчилар 10–11-синфларда иккинчи хорижий тилга ўқитилади.

**4.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова):

**2024 йил 1 майга** қадар маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда хорижий тил фани бўйича ўқув режа ва дастурларни такомиллаштирсин. Бунда, ўқувчилар томонидан 11-синфда иккинчи хорижий тилнинг **камида А2 даражада** ўзлаштирилишини назарда тутсин;

2024 йил якунига қадар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида хорижий тилни ўқитиш бўйича **халқаро нашриётлар дарсликларини** харид қилиш ва маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин;

2024 йил якунига қадар умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тилни ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида инглиз, корейс, немис, француз, хитой ва япон тиллари бўйича **малакали мутахассисларни** жалб қилсин;

умумий ўрта таълим муассасаларининг хорижий тил ўқитувчилари билим ва кўникмаларини диагностикадан ўтказсин ҳамда замонавий таълим методикалар асосида уларнинг малакасини ошириш бўйича **қисқа муддатли ўқув курсларини** ташкил этсин.

**5.** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова):

а) **2024 йил 1 сентябрга** қадар хорижий тиллар йўналишлари бўйича педагогларни тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириб, уларни умумий ўрта таълимнинг хорижий тилни ўқитиш дастурига мувофиқлаштирсин;

б) **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб:

хорижий тиллар йўналишлари бўйича педагогларни тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик амалиётини йўлга қўйсин;

хорижий тиллар йўналишлари бўйича педагогларни тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига бир вақтнинг ўзида **ҳам ўқиш, ҳам педагогик фаолиятни** амалга ошириш имконини берувчи **мослашувчан дарс жадвалини** жорий қилсин.

**6. Белгилансинки, “Бизнес ва касб-ҳунарга ўқитиш” йўналиши** доирасида:

а) ўқувчилар Миллий малакалар рамкасининг 2-даражасига мос бўлган касбларга ўқитилади;

б) ўқувчиларни касбларга ўқитиш ишларини самарали йўлга қўйиш учун умумий ўрта таълим муассасаларида устахоналар ташкил этилади ва ойлик иш ҳақи олий маълумотли умумтаълим мактаби ўқитувчисига тенглаштирилган “Касбий таълим устаси” лавозими жорий қилинади;

в) ўқувчилар қуйидаги йўналишларнинг бири бўйича касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади:

**биринчи йўналиш** – тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандларни умумий ўрта таълим муассасаларига жалб қилиш орқали ўқувчиларни ишчи касбларга ўқитиш;

**иккинчи йўналиш** – умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган курсларда ўқувчиларни ахборот технологияларига оид замонавий касбларга ўқитиш;

г) умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш биноларини “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури иштирокчиларига амалий мономарказни ташкил қилиш ва кейинчалик ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш учун тўғридан-тўғри шартнома асосида текин фойдаланишга беришга рухсат этилади;

д) қуйидаги харажатлар:

устахоналарни йирик жиҳозлар (компьютер техникаси, электрон доска, тикув машинаси ва ҳоказо) билан таъминлаш ҳамда касбий таълим усталари меҳнатига ҳақ тўлаш – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига қўшимча ажратилган маблағлар ҳисобидан;

мавжуд устахоналарни жорий таъмирлаш, зарур ҳолларда енгил типдаги устахоналарни қуриш ҳамда улар учун кичик асбоб-ускуналарни харид қилиш – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси ҳамда Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

касб-ҳунарга ўқитишда талаб этиладиган зарур хомашё материалларини харид қилиш – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова):**

**2024 йил 1 апрелга** қадар ўқув жараёни “Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш” ёки “Бизнес ва касб-ҳунарга ўқитиш” йўналишлари бўйича ташкил этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари учун амалдаги таянч ўқув режаси доирасида **мослашувчан ўқув режани** тасдиқласин;

**2025 йил 1 июлга** қадар тажриба-синов натижаларидан келиб чиқиб, “Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш” ёки “Бизнес ва касб-ҳунарга ўқитиш” йўналишлари бўйича ўқитиш амалиётини бошқа умумий ўрта таълим муассасаларига татбиқ этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

**8. Ўқувчиларни хорижий тил ва касб-ҳунарга ўқитиш амалиётини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**9. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни хорижий тил ва касб-ҳунарга ўқитиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагиларга:**

мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.Умаровага – умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни хорижий тил ва касб-ҳунарга ўқитиш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда умумий мувофиқлаштириш учун;

олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.Шариповга – умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга ўргатиладиган касб-ҳунарларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларини касбий таълим усталари билан таъминлаш учун;

Савдо-саноат палатаси раиси Д.Ваҳобовга – умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

**10.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги уч ой муддатда:

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасалари ва тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигини тартибга солиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**11.** Қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова, олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов, Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Ваҳобов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўқувчиларни хорижий тил ва касб-ҳунарга ўқитиш амалиётини жорий этиш бўйича  
чора-тадбирлар дастури

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни иккита хорижий тилга ўқитишни йўлга қўйиш</b>					
1.	Ўқувчиларга иккинчи хорижий тилни ўқитиш амалиёти жорий этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини тасдиқлаш.	1.Худудлар кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида иккинчи хорижий тилни ўрганишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 2.Аниқланган умумий ўрта таълим муассасаларида тиллар кесимида иккинчи хорижий тил ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уларнинг таркибини шакллантириш. 3. Умумий ўрта таълим муассасаларининг салоҳияти ва кадрлар таъминотидан келиб чиқиб, ўқувчиларни иккинчи хорижий тилга ўқитиш амалиёти жорий этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.	2024 йил март  2024 йил август  2024 йил июнь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилиги (Умарова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
2.	Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган иккинчи хорижий тил ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	1. Умумий ўрта таълим муассасаларида иккинчи хорижий тилни ўқитишга мўлжалланган ўқув дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат ишчи гуруҳни тузиш, бунда, хорижий ва маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш.	2024 йил март	Мақтабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилиги (Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
3.	Танланган умумий ўрта таълим муассасаларини иккинчи хорижий тил бўйича дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш.	<p>2. Умумий ўрта таълим муассасаларида иккинчи хорижий тилни ўқитишга мўлжалланган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>1. Умумий ўрта таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун халқаро ташкилотлар ва нашриётлар билан музокаралар ўтказиш, дарсликни саралаб олиш ва таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Танлаб олинган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни харид қилиш.</p>	2024/2025 ўқув йилидан бошлаб 2024 йил апрель 2024 йил июль	Давлат бюджетидан Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова)
4.	Иккинчи хорижий тил бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш.	<p>1. Иккинчи хорижий тилдан дарс берадиган ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида қайта тайёрлов курслари дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Иккинчи хорижий тилдан дарс берадиган ўқитувчиларга янги ўқув дастурлари ва методикаларга ўргатиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларини йўлга қўйиш.</p>	2024 йил апрель 2024 йил август	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова)
<b>II. Ўқувчиларни касб-хўнарга йўналтириш ва ўқитиш ишларини ташкил этиш</b>					
5.	Ўқувчиларни касб-хўнарга ўқитиш амалиёти жорий этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини тасдиқлаш.	<p>1. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хўнарга ўқитиш амалиётини bosқичма-bosқич йўлга қўйиш бўйича ҳудудларда ўрганишларни ташкил этиш.</p> <p>2. Умумий ўрта таълим муассасаларининг салоҳияти ва кадрлар таъминотидан келиб чиқиб, ўқувчиларни касб-хўнарга ўқитиш амалиёти</p>	2024 йил март 2024 йил апрель	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов),

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
6.	Умумий ўрта таълим муассасалари 9-синф ўқувчиларининг касбга бўлган қизиқишлари ва мойиллигини аниқлаш механизмларини жорий этиш.	<p>жорий этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>1. Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш ва касбга йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган kasb.maktab.uz платформани такомиллаштириш.</p> <p>2. Ўқувчиларнинг қизиқишлари ва касбий лаёқатини аниқлайдиган сўровномалар тўпламини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказиш ва натижалари асосида ўқувчининг касбий лаёқати бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш.</p>	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил октябрь	Мақтабгача ва мактаб таълими вазириликнинг Таълим ислохотларига кўмаклашиш жамғармаси маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилиги (Умарова)
7.	Умумий ўрта таълим муассасаларида ўргатиладиган касбларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	<p>1. 2024/2025 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларида ўргатиладиган касб-хунарлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўргатиладиган касбларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2024 йил март 2024 йил июль	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилиги (Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги (Шарипов)
8.	Касб-хунарга ўқитиш амалиёти жорий этилган умумий ўрта таълим	1. Умумий ўрта таълим муассасалари ва тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигини тартибга солиш бўйича Ҳукумат қарори	2024 йил май	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилиги



T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	муассасаларига тадбиркорларни жалб қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш.	лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Тадбиркорлик субъектлари учун умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга ўргатиш имкониятлари бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш.	2024 йил август		(Умарова), Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов)
9.	Битирувчиларга ўрганган касб-ҳунари тўғрисида давлат намунасидаги электрон ҳужжат бериш тартибини ишлаб чиқиш.	1. Битирувчиларга ўрганган касб-ҳунари тўғрисида бериладиган давлат намунасидаги электрон ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Битирувчиларга ўрганган касб-ҳунари тўғрисида давлат намунасидаги электрон ҳужжат бериш тартибини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил апрель  2024 йил июль	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Мусаев)
10.	Ўқувчиларни касб-ҳунари ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шароитлар яратиш бериш.	1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синф ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш ўқув дастурларини амалга оширишда ҳар бир йўналиш бўйича талаб этиладиган хомашё материаллари рўйхатини шакллантириш. 2. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш ўқув дастурларини амалга ошириш учун талаб этиладиган хомашё материаллари меъёрини тасдиқлаш.	2024 йил май  2024 йил май	Маҳаллий бюджет маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
					Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари





# **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI**

2024 yil « 2 » февраля

№ ПП–53

## **О дополнительных мерах по обучению учащихся общих средних образовательных учреждений иностранным языкам и современным профессиям**

В целях повышения интереса учащихся общих средних образовательных учреждений к иностранным языкам и профессиям, широкого привлечения работодателей к этому процессу, а также подготовки квалифицированных и конкурентоспособных кадров, соответствующих требованиям рынка труда:

**1.** Принять к сведению, что Указом Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2023 года № УП–79 «О мерах по эффективной организации деятельности Министерства дошкольного и школьного образования и организаций в его системе» предусмотрено поэтапное внедрение начиная с 2023/2024 учебного года в 1–4 классах общих средних образовательных учреждений учебных программ, направленных на формирование у учащихся начальных знаний, в 5–9 классах – базовых знаний, в 10–11 классах – знаний, соответствующих их интересам и способностям.

**2.** Одобрить предложения Министерства дошкольного и школьного образования о поэтапном внедрении в порядке эксперимента начиная с 2024/2025 учебного года порядка, в соответствии с которым:

в 10–11 классах общих средних образовательных учреждений наряду с обучением на основе базового учебного плана также внедряются образовательные программы по направлениям «Углубленное обучение предметам» и «Обучение бизнесу и профессиям»;

в рамках направления «Углубленное обучение предметам» – учебный процесс организуется с акцентом на точные, естественнонаучные дисциплины или иностранный язык, а в рамках направления «Обучение бизнесу и профессиям» – учащиеся обучаются рабочим профессиям либо профессиям в области цифровых технологий.

**3.** Определить, что начиная с 2024/2025 учебного года в общих средних образовательных учреждениях поэтапно внедряется порядок обучения иностранным языкам, в соответствии с которым:

в 5–9 классах посредством повышения интенсивности обучения иностранному языку у учащихся формируются **базовые знания и речевые навыки**;

в 10–11 классах в обучении иностранному языку основное внимание уделяется развитию **навыков академического письма и разговорных навыков** у учащихся;

учащиеся, выбравшие иностранный язык в рамках направления «Углубленное обучение предметам», в 10–11 классах обучаются второму иностранному языку.

**4.** Министерству дошкольного и школьного образования (Умарова Х.):

**до 1 мая 2024 года** усовершенствовать учебные планы и программы по предмету «иностраный язык» с привлечением отечественных и зарубежных экспертов. При этом предусмотреть освоение учащимися в 11 классе второго иностранного языка на уровне **не ниже А2**;

**до конца 2024 года** принять меры по закупке и локализации **учебников международных издательств** по обучению иностранному языку в пределах средств Государственного бюджета, выделяемых Министерству дошкольного и школьного образования;

**до конца 2024 года** в целях повышения эффективности обучения иностранному языку в общих средних образовательных учреждениях привлечь **квалифицированных специалистов** по английскому, китайскому, корейскому, немецкому, французскому и японскому языкам;

провести **диагностику** знаний и навыков преподавателей иностранного языка общих средних образовательных учреждений и организовать **краткосрочные учебные курсы** повышения их квалификации на основе современных образовательных методик.

5. Министерству высшего образования, науки и инноваций (Шарипов К.), Министерству дошкольного и школьного образования (Умарова Х.):

а) **до 1 сентября 2024 года** усовершенствовать учебные планы и программы государственных высших образовательных учреждений, осуществляющих подготовку педагогов по направлениям иностранных языков, привести их в соответствие с программой общего среднего образования по обучению иностранному языку;

б) начиная с **2024/2025 учебного года**:

организовать педагогическую практику студентов государственных высших образовательных учреждений, осуществляющих подготовку педагогов по направлениям иностранных языков в общих средних образовательных учреждениях;

внедрить для студентов выпускного курса государственных высших образовательных учреждений, осуществляющих подготовку педагогов по направлениям иностранных языков, **гибкое расписание занятий**, позволяющее осуществлять одновременно **и учебную, и педагогическую деятельность**.

6. Установить, что в рамках направления **«Обучение бизнесу и профессиям»**:

а) учащиеся обучаются профессиям, соответствующим 2-му уровню Национальной рамки квалификаций;

б) для эффективного налаживания работ по обучению учащихся профессиям в общих средних образовательных учреждениях создаются мастерские и вводится должность «Мастер профессионального обучения», заработная плата которого приравнивается к преподавателю общеобразовательной школы с высшим образованием;

в) учащиеся обучаются профессиональным и предпринимательским навыкам по одному из нижеследующих направлений:

**первое направление** – обучение учащихся рабочим профессиям посредством привлечения субъектов предпринимательства и ремесленников в общие средние образовательные учреждения;

**второе направление** – обучение учащихся современным профессиям в области информационных технологий на курсах, организуемых в общих средних образовательных учреждениях;

г) разрешается предоставление на основе прямого договора в безвозмездное пользование пустующих зданий общих средних образовательных учреждений участникам программы «20 тысяч предпринимателей – 500 тысяч квалифицированных специалистов» для создания практических моноцентров и последующего обучения учащихся профессиям;

д) финансирование следующих расходов осуществляется:

по обеспечению мастерских крупным оборудованием (компьютерной техникой, электронной доской, швейной машинкой и др.) и оплате труда мастеров профессионального обучения – за счет средств, дополнительно выделенных Министерству дошкольного и школьного образования из республиканского бюджета Республики Узбекистан;

по текущему ремонту имеющихся мастерских, при необходимости строительству мастерских легкого типа и закупке для них мелких инструментов – за счет средств Фонда министра дошкольного и школьного образования, а также Фонда содействия реформам в сфере образования при Министерстве дошкольного и школьного образования;

по закупке необходимых сырьевых материалов, требуемых в процессе обучения профессиям, – за счет средств местных бюджетов Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента.

**7. Министерству дошкольного и школьного образования (Умарова Х.):**

**до 1 апреля 2024 года** утвердить **гибкий учебный план** в рамках действующего базового учебного плана для общих средних образовательных учреждений, в которых учебный процесс организуется по направлениям «Углубленное обучение предметам» или «Обучение бизнесу и профессиям»;

**до 1 июля 2025 года** исходя из результатов эксперимента внести в Администрацию Президента Республики Узбекистан предложения о внедрении практики обучения по направлениям «Углубленное обучение предметам» или «Обучение бизнесу и профессиям» в других общих средних образовательных учреждениях.

**8. Утвердить Программу мер по внедрению практики обучения учащихся иностранным языкам и профессиям согласно приложению.**

**9. В целях эффективной организации в общих средних образовательных учреждениях работы по обучению учащихся иностранным языкам и профессиям возложить персональную ответственность на:**

министра дошкольного и школьного образования Умарову Х. – за эффективную организацию и общую координацию работ по обучению учащихся общих средних образовательных учреждений иностранным языкам и профессиям;

министра высшего образования, науки и инноваций Шарипова К. – за разработку учебных программ профессий, которым обучаются учащиеся в общих средних образовательных учреждениях, а также укомплектование общих средних образовательных учреждений мастерами профессионального обучения;

председателя Торгово-промышленной палаты Вахобова Д. – за привлечение субъектов предпринимательства к процессу обучения профессиям учащихся общих средних образовательных учреждений.

**10.** Министерству дошкольного и школьного образования в трехмесячный срок внести в Кабинет Министров:

совместно с Агентством по управлению государственными активами и Торгово-промышленной палатой проект Правительственного постановления по регулированию сотрудничества общих средних образовательных учреждений и субъектов предпринимательства;

совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

**11.** Возложить на министра дошкольного и школьного образования Умарову Х.У., министра высшего образования, науки и инноваций Шарипова К.А., председателя Торгово-промышленной палаты Вахобова Д.А., Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и города Ташкента персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за исполнение настоящего постановления, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

**ПРОГРАММА**  
**мер по внедрению практики обучения учащихся иностранным языкам и профессиям**

№	Наименование мер	Механизм реализации	Сроки	Источники финансирования	Ответственные исполнители
<b>I. Организация обучения учащихся второму иностранному языку в общих средних образовательных учреждениях</b>					
1.	Утверждение перечня общих средних образовательных учреждений, в которых внедряется практика обучения учащихся второму иностранному языку.	1. Выявление в общих средних образовательных учреждениях потребности в изучении второго иностранного языка в разрезе регионов. 2. Определение в выявленных общих средних образовательных учреждениях потребности в учителях второго иностранного языка в разрезе языков и формирование их состава. 3. Формирование и утверждение перечня общих средних образовательных учреждений, в которых внедряется практика обучения учащихся второму иностранному языку, исходя из потенциала и кадрового обеспечения общих средних образовательных учреждений.	Март 2024 года  Август 2024 года  Июнь 2024 года	–	Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова), Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента
2.	Разработка учебных программ второго иностранного языка, преподаваемого в общих образовательных учреждениях.	1. Создание рабочей группы по разработке проектов учебных программ обучения второму иностранному языку в общих средних образовательных учреждениях из числа зарубежных и отечественных специалистов, при этом привлечение зарубежных и отечественных специалистов на основе договора.	Март 2024 года	Средства Фонда министра дошкольного и школьного образования	Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова)



№	Наименование мер	Механизм реализации	Сроки	Источники финансирования	Ответственные исполнители
		<p>2. Утверждение и внедрение в практику учебных программ по обучению второму иностранному языку в общих средних образовательных учреждениях.</p> <p>1. Проведение переговоров с международными организациями и издательствами для обеспечения общих средних образовательных учреждений учебной литературой, отбор учебников и внесение предложений в Кабинет Министров.</p> <p>2. Закупка выбранных учебников и учебно-методических пособий.</p>	<p>Начиная с 2024/2025 учебного года</p> <p>Апрель 2024 года</p> <p>Июль 2024 года</p>	<p>В рамках средств, выделенных из Государственного бюджета</p> <p>Министерству дошкольного и школьного образования</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова)</p>
4.	<p>Организация краткосрочных учебных курсов по переподготовке учителей по второму иностранному языку.</p>	<p>1. Разработка программы курсов переподготовки в целях развития профессиональных компетенций учителей, преподающих второй иностранный язык.</p> <p>2. Налаживание краткосрочных учебных курсов в целях обучения новым учебным программам и методикам учителей, преподающих второй иностранный язык.</p>	<p>Апрель 2024 года</p> <p>Август 2024 года</p>	<p>–</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова)</p>
<b>II. Профориентация учащихся и организация учебной работы</b>					
5.	<p>Утверждение перечня общих средних образовательных учреждений, в которых внедряется практика обучения учащихся профессиям.</p>	<p>1. Организация изучения в регионах поэтапной организации практики обучения профессиям учащихся в общих средних образовательных учреждениях начиная с 2024/2025 учебного года.</p> <p>2. Формирование перечня общих средних образовательных учреждений, в которых внедряется практика обучения учащихся</p>	<p>Март 2024 года</p> <p>Апрель 2024 года</p>	<p>–</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова), Министерство экономики и</p>

№	Наименование мер	Механизм реализации	Сроки	Источники финансирования	Ответственные исполнители
		<p>профессиям, исходя из потенциала и кадрового обеспечения общих средних образовательных учреждений.</p>			<p>финансов (Норкулов), Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента</p>
6.	<p>Внедрение механизмов определения интересов и способностей к профессиям у учащихся 9 классов общих средних образовательных учреждений.</p>	<p>1. Совершенствование платформы kasb.maktab.uz, разработанной для выявления интересов и профориентации учащихся.  2. Разработка сборника вопросов, выявляющих интересы и способности учащихся к профессиям.  3. Проведение опроса среди учащихся 9 классов общих средних образовательных учреждений и создание на основе его результатов электронной базы данных по способностям учащихся к профессиям.</p>	<p>Май 2024 года  Июнь 2024 года  Октябрь 2024 года</p>	<p>Средства Фонда содействия реформам образования Министерства дошкольного и школьного образования</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова)</p>
7.	<p>Разработка учебных программ профессий, обучаемых в общих средних образовательных учреждениях.</p>	<p>1. Формирование перечня профессий, обучаемых в общих средних образовательных учреждениях в 2024/2025 учебном году.  2. Разработка и утверждение учебных программ профессий, обучаемых в общих средних образовательных учреждениях.</p>	<p>Март 2024 года  Июль 2024 года</p>	<p>–</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова), Министерство высшего образования, науки и инноваций (Шарипов)</p>

№	Наименование мер	Механизм реализации	Сроки	Источники финансирования	Ответственные исполнители
8.	<p>Разработка нормативно-правовой базы для привлечения предпринимателей в общие средние образовательные учреждения, внедривших практику обучения профессиям.</p>	<p>1. Разработка и внесение в Кабинет Министров проекта Правительственного решения по регулированию сотрудничества общих средних образовательных учреждений и субъектов предпринимательства.</p> <p>2. Проведение для субъектов предпринимательства разъяснительно-пропагандистских мероприятий о возможностях обучения профессии учащихся в общих средних образовательных учреждениях.</p>	<p>Май 2024 года</p> <p>Август 2024 года</p>	<p>–</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова), Торгово-промышленная палата (Вахобов)</p>
9.	<p>Разработка порядка выдачи выпускникам электронного документа государственного образца по освоению профессии.</p>	<p>1. Разработка проекта электронного документа государственного образца, выдаваемого выпускникам по освоению профессии.</p> <p>2. Внесение в Кабинет Министров проекта Правительственного решения об утверждении порядка выдачи выпускникам электронного документа государственного образца по освоению профессии.</p>	<p>Апрель 2024 года</p> <p>Июль 2024 года</p>	<p>–</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова), Министерство высшего образования, науки и инноваций (Шарипов), Министерство занятости и сокращения бедности (Мусаев)</p>
10.	<p>Создание необходимых условий для обучения учащихся профессиям и навыкам предпринимательства.</p>	<p>1. Формирование перечня сырьевых материалов, требуемых по каждому направлению при реализации учебных программ по обучению учащихся 10–11 классов общих средних образовательных учреждений профессиям.</p>	<p>Май 2024 года</p>	<p>Средства местного бюджета</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Умарова),</p>

№	Наименование мер	Механизм реализации	Сроки	Источники финансирования	Ответственные исполнители
		<p>2. Утверждение норм обеспечения общих средних образовательных учреждений сырьевыми материалами, требуемых при реализации учебных программ по обучению учащихся профессиям.</p>	<p>Май 2024 года</p>		<p>Министерство высшего образования, науки и инноваций (Шарипов), Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимияты областей и города Ташкента</p>

